

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 617-ҳадис

617 - وَعَنْهُ قَالَ: إِنْ كَانَتِ الْأُمَّةُ مِنْ إِمَاءِ الْمَدِينَةِ لَتَأْخُذُ بِيَدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَتَنْطَلِقُ بِهِ حَيْثُ شَاءَتْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

617. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Мадинанинг чўриларида бири Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни қўлларида тутиб, хоҳлаган жойига олиб кетаверар эди».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: «Қўлларида тутиб» деган жумла мажозий бўлиб, бевосита ушлаш маъносида эмас. Бу ерда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина аҳлининг раҳбари бўлишларига қарамай, ўта камтар, бетакаллуф бўлганларидан оддий бир чўри аёл ҳам у зотга бемалол мурожаат қила олиши таърифланмоқда.

Манба: hadis.islom.uz

